УзССР Давлат китоб палатаси
РСФСР

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети • Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 5 сўм.

1992 йил 29 октябрь, пайшанба № 212—213 (21.311).

Бугун—Туркия Республикасининг миллий байрами—Мустақиллик куни

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМДИР!



Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Президенти:

Биз ўз йўлимизни танладик ва ундан қайтмаймиз. Биз Туркия билан мустаҳкам ҳамкорликда ана шу йўлдан бораверамиз!

ТУРҒУТ ЎЗОЛ,
Туркия Президенти:

Туркия қардош ўзбек халқининг барча янги қадамларини олқишлайди, бу йўлда унга мадад беришга тайёр!

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТУРКИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

28 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси Туркия Республика деб эълон қилинган кунининг 69 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Анқарага жўнаб кетди.

Делегация туркийзабон мамлакатлар давлат раҳбарларининг Анқара учрашувида ҳам иштирок этади. Учрашувда шу мамлакатлардаги иқтисодий муаммоларни муҳокама этиш мўлжалланмоқда.

Делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

26 октябрь куни Туркиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вулқон Чотур Туркия Республикаси эълон қилинган кунининг 69 йиллиги муносабати билан қабул маросими ўтказди.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, вазирликлар, идораларнинг раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Брайн Фолл мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Ташабоев ҳозир бўлди.

СУРАТДА: Ишонч ёрлиғи топшириш маросимида.

В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат. (ЎзА).

БУЮК БРИТАНИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

БРАЙН ФОЛЛ

Британиянинг Москвадаги элчихонасида сиёсий маслаҳатчи.

1937 йил 13 декабрда туғилган; Лондондаги Муқаддас Павел мактабида таълим олган, сўнг Магдален, Оксфорд коллежларида ўқиган. Мичиган дорилфунуни (АҚШ) ҳуқуқшунослик мактабини тугаллаган.

1962 йилда — дипломатия хизматини бошлаган.

1963 йилда — Ташқи ишлар вазирлиги БМТ бўлимида ишлаган.

1965 йилда — Москвага хизматга юборилган.

1968—1970 йиллар — Женевада, Буюк Британиянинг БМТ ваколатхонасида ишлаган.

1970—1971 йиллар — фуқаролар хизмати коллежи курсининг раҳбари.

1971—1975 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги Шарқий Европа мамлакатлари ва СССР бўлимида, Ғарбий ташкилотлар бўлимида ишлаган, Хельсинкида Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги бўйича тайёрлов музокаралари Британия ҳайъати бошлиғи.

1976—1979 йиллар — Харвард дорилфунуни халқаро ишлар марказида ишлаган.

1977—1979 йиллар — Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонасида сиёсий маслаҳатчи.

1979—1980 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги энергетика, фан ва фазо бўлими раҳбари.

1980—1981 йиллар — Шарқий Европа ва СССР бўлими раҳбари.

1981—1984 йиллар — ташқи ишлар вазирининг шахсий котиби.

1984—1986 йиллар — НАТО Бош котиби маҳкамасининг мудири.

1986—1988 йиллар — Ташқи ишлар вазири ўринбосарининг ҳамкорлик мамлакатлари масалалари бўйича ёрдамчиси.

1989—1992 йиллар — Канадада олий комиссар (элчи).

1992 йил сентябрдан — Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги ўринбошлик бўйича фавқулодда ва мухтор элчиси. Қароргоҳи Москвада.

Оилали, уч фарзанди бор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ.

Голландиялик меҳмон Президент ҳузурида

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Голландиянинг «Аес» фирмаси президенти К. Аальберсни қабул қилди.

Самимий ўтган учрашув чоғида Ўзбекистонни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, картошка билан таъминлаш ва бунинг учун Голландиянинг картошка етиштириш борасидаги илғор технологиясини республикамиз шароитига мослаштириш ҳақида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири У. Султонов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти. А. ЗУФАРОВ олган сурат. (ЎзА).

ОЛОТЛИК ПАХТАКОРЛАР ЗАФАРИ

Район пахтакорлари республикада пешқадамлар қатори зафар маррасига эришдилар. Деярли 10 минг гектар ерда пахта етиштирилиб, давлат қабул пунктларига 28200 тоннадан зиёд юқори сифатли хом ашё топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 28 центнерни ташкил қилди.

Меҳнат ғалабасига «Олот», «Амударё» давлат хўжаликлари, «Пахтакор», «Оқ олтин», «Шарқ юлдузи», «Гулистон», Ф. Хўжаев номли, «Ўзбекистон», Навоий номли хўжаликлар қўшган ҳиссалари баракали бўлди.

Олотлик уста пахтакорлар А. Тоиров, Ғ. Наврўзов, Н. Раббоновлар энг юқори ҳосил етиштиришди. Р. Саидов, Д. Шукуров, Б. Қиличев сингари механик-ҳайдовчилар теримда пешқадамлик қилишмоқда.

Район пахтакорлари далалардан яна 3 минг тонна «оқ олтин» йиғиштириб олиб, ҳосилдорликни 30 центнердан етказишга азму-қарор этдилар.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУАММОЛАРИМИЗ ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Хўжалигимизда пахта йиғим-терими энди авж олди. Ҳосил кеч етилган майдонларга машиналар чиқди. Худди шу даврда республика Президенти томонидан «Пахтанинг харид нархларини ошириш тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши дала ишларига ўзгача суръат, ишчи-хизматчиларга кўтаринкилик бахш этди. Чуқур мулоҳаза юритилса, бу фармоннинг жуда кўп муаммоларни ҳал этишдаги ўрнини англаш қийин эмас. Оддий бир мисол. Юзага келган вазият тақозоси билан теримга шаҳарлик теримчиларни жалб этганмиз. Ҳар бир килограмм пахта учун 3 сўмдан пул беришимиз керак. Машинада йиғиштириб олинган ҳосилга тўланадиган ҳақни ҳам анча оширганмиз. Қолаверса, теримчиларга яратилган шарт-шароит, ёнилғи, кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари учун кетадиган харажатни нима билан қоплаймиз? Ҳар қалай Фармон бу чигалликларга ечим бўлди.

Бўлимимизда етиштириладиган 700 тоннадан зиёд иккинчи навли пахтани янги нархда сотсак, 5 миллион 600 минг сўм қўшилар экан. Бу жамоа ишчиларига қўшимча меҳнат ҳақи, ҳашарчиларга маош дегани. Бу нархи тобора кўкка кўтарилаётган эҳтиёт қисмлар, техника учун ёнилғи дегани.

Ҳозир йиллик режанинг 60 фоизи миқдоридаги ҳосилни йиғиштириб олдик. Жиззах муаллимлар олийгоҳининг М. Рустамов бош бўлган 3-курси талабалари бўлимимиз далаларидан кунига 5 тоннадан ошириб ҳирмон уймоқдалар. Демоқчиманки, республика Президентининг «Пахтанинг харид нархларини ошириш тўғрисида»ги Фармони вақтида чиқарилган бўлиб, биз учун айни муддао.

Назирқул МУСТАФОҚУЛОВ,
Зарбдор районидаги «Тараққиёт» давлат хўжалиги 6-бўлими бошқарувчиси.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 28 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Бухоро	2,02	81,53
Фарғона	1,53	79,22
Андижон	1,50	77,89
Наманган	2,50	75,45
Қашқадарё	2,86	75,05
Хоразм	1,89	66,89
Сурхондарё	1,65	65,50
Тошкент	2,87	61,22
Қорақалпоғистон Республикаси	1,91	59,03
Навоий	2,94	58,13
Сирдарё	3,71	51,47
Жиззах	3,65	45,09
Самарқанд	2,41	41,40
Республика бўйича	2,38	65,69
1991 йилдагиси	0,78	98,90

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ («ЎЗМОНТАЖМАХСУСҚУРИЛИШ») АССОЦИАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Монтаж ва махсус қурилиш ташкилотлари ҳамда корхоналарини бозор муносабатларига ўтказишнинг ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитларини яратиш, уларнинг хўжалик мустақиллигини кенгайтириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид тадбирларни амалда рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлиги тугатилсин.

Ихтиёрий асосда Ўзбекистон Монтаж ва махсус қурилиш ишлари («Ўзмонтажмахсусқурилиш») ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида монтаж, ихтисослаштирилган қурилиш, созлаш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари, металл конструкциялар тайёрлаш заводлари ҳамда бошқа корхоналар меҳнат жамоаларининг таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Монтаж ва махсус қурилиш ишлари ассоциацияси:

ижара, коллектив, акционерлик ташкилотларини ҳамда мулкчиликнинг бошқа шаклларига асосланган монтаж, ихтисослаштирилган қурилиш, созлаш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларини, саноат ва транспорт корхоналарини ихтиёрий пайчилик асосида бирлаштирувчи юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик ассоциациясидир;

ўз фаолиятини муассислар йиғилиши тасдиқлаган ва вазирлар маҳкамаси билан келишилган ассоциация низомига мувофиқ тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини бошқариш принциплари асосида ташкил этади.

3. Қуйидагилар «Ўзмонтажмахсусқурилиш» ассоциацияси фаолиятининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг юқори сифатли қурилиш маҳсулотига, махсус қурилиш-монтаж ишларига ва хизматларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида ассоциацияга кирувчи трестлар, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ягона илмий-техникавий сиёсат ўтказиш, асосан материалларнинг янги турларини, ускуналарни монтаж қилиш ва улардан фойдаланишнинг илғор системаларини, уй-жой, ижтимоий-маданий ва саноат иншоотларини қуриш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

ассоциацияга кирувчи корхоналар ва ташкилотларга бозор муносабатларига ўтишда, уларни ижара, коллектив, акционерлик ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлантиришда кўмаклашиш;

ассоциацияга аъзо бўлган корхоналарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини белгилаш, биргаликдаги инвестиция фаолияти, меҳнат жамоаларининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, уларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш соҳасида ягона стратегияни рўёбга чиқариш;

маҳсулот етказиб берувчилар, жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятда маҳсулот етказиб берувчилар билан узоқ муддатли бевосита алоқалар ўрнатишда корхоналарга кўмаклашиш, уларга тижорат, маркетинг хизматлари ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида Ўзбекистон Монтаж ва махсус қурилиш ишлари ассоциацияси фаолиятини ташкил этиш масалаларига оид қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 27 октябрь.

● Сирдарё вилояти, Оқолтин туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигида пахта терими қизғин бораяпти. Бу ерда Абдуманноп Солиев бошлиқ биргада аъзолари теримда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: илғор механизатор М. Мирзаҳмедов мутахассислар билан (чапда) ва терилган пахтани тележкаларга бўшатиш пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ, олган суратлар.

ТУРК ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Дунёнинг айрим мамлакатларида қирол ёки шоҳнинг туғилган куни миллий байрам сифатида нишонланади. Бундай мамлакатларни мустамлака зулмини кўрмаган ёки ўтмишда ўзи мустамлакачи бўлганлар сирасига киритиш мумкин. Аср-лар мобайнида қуллик асоратида яшаб, ўз мустақиллигини қўлга киритган халқлар учун эса энг азиз кун миллий мустақиллик байрамидир.

Қардош турк халқи учун октябрнинг 29-куни ана шундай эъзозли ва мўътабар кундир.

Бу сурат Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэлнинг Ўзбекистонда бўлиши вақтида олинган.

ТУРКИЯ биринчи жаҳон урушида Германиянинг иттифоқчиси сифатида мағлубиятга учрагач, Антанта давлатлари томонидан уни парчалаб ташлаш ва бўлиб олиш бошланиб кетди. Греция 1919 йил майининг 15 куни уларнинг фатвоси билан Измирни босиб олди. Туркияни бўлиб олиш ва давлат сифатида йўқ қилиб ташлаш сиёсатини юргизаётган Ғарб давлатларига қарши Онадўлида «ҳуқуқларни ҳимоя қилиш» ташкилотлари тузила бошлади. Ташаббускорликни ўз қўлига олган миллий буржуазия ва зиёлилар халқни миллатнинг ва давлатнинг мустақиллиги учун курашга отлантирди. Натижада миллий-озодлик ҳаракатлари вужудга кела бошлади. Уларга Мустафо Камол Пошараҳбарлик қилди.

Мустафо Камол 1919 йили босқинчиларга қарши кураш ва Туркияни республика деб эълон қилиш учун ташкилот тузди.

1920 йил апрелининг 23 куни эса биринчи марта Туркия Буюк миллий мажлиси (ТБММ) чақирилди ва Мустафо Камол унда ТБММ нинг раиси этиб сайланди. Буюк мажлис ўзини Туркиядаги ягона қонуний ҳокимият деб эълон қилди ва Туркия султонининг Истанбул шаҳри босиб олингандан кейинги фармойишларини ноқонуний деб топди. Миллий-озодлик курашига отланган турк халқининг сабр-косасини султон ҳукуматининг 1920 йил августининг 10 куни Париж шаҳри чеккасидаги Севр деган жойда биринчи жаҳон урушида ғолиб чиққан давлатлар билан тузган сулҳи тўлдириб юборади. Унга кўра, Туркия Англия, Франция, Греция, Италия давлатлари ўртасида тақсимлаб олиниши ҳамда мустақил давлат сифатида барҳам топиши лозим эди.

ТБММ бу шартномани тан олмади. Халқ манфаатларини сотган султон ҳукуматини хоин деб эълон қилди. Бутун малакатда босқинчиларга қарши кураш авж олиб кетди. Натижада 1923 йил июлида Антанта давлат вакиллари Туркия ҳукумати билан Лозаннада сулҳ тузишга ва Туркиянинг мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди.

1923 йил октябрининг 29-куни эса Буюк миллат мажлиси Туркияни республика деб эълон қилди. Бу ғалабадан сўнг Мустафо Камол бошчилигида мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар баробарида мамлакатда ўрта аср қолоқлигини тугатиш ҳамда янгича турмуш тарзини қарор топтириш учун кўп ишлар амалга оширилди.

Туркия Республика деб эълон қилинган кун турклар қатори барча туркийларнинг ҳам байрамидир. Негаки, Шўро империяси йилларида туркий халқлардан биргина турклар озод эдилар. Бу туркий халқларнинг келгуси ялпи озодлиги учун муҳим омил бўлганини эндигина ҳис этиб турибмиз. Шунинг учун ҳам дастлаб Туркиянинг Ғарб давлатларига қарши курашини қўллаб-қувватлаган собиқ Совет ҳукумати кейинчалик кўпгина туркий халқларни ўз истибдод чангалида тутиб тургани туфайли муносабатларга совуқлик тушди. Шўро туркий жумҳуриятлари билан Туркия ўртасида алоқалар тўхтаб қолди. Чунки бу мустамлака ерларида миллий-озодлик ҳаракатлари бошланиб кетиши хавфини туғдириши шубҳасиз эди. Шундай бўлди ҳам. Тарих бирор империяни бу дунёга боғлаб қўймаганини яна бир карра исботлади.

Мустафо Камол Отатурк бошлаб берган иқтисодий ислоҳотлар шарофати билан Туркия дунёдаги иқтисодиёти бақувват давлатлардан бирига айланди. Бугунги кунда ҳатто айрим иқтисодчилар Россия иқтисодий ислоҳотларнинг туркияча йўлини танлаши мақсадга мувофиқ бўлур эди дейишмоқда. Агар Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишда Туркия тажрибасини ўрганаётганини ҳисобга олсак, танланган йўл ҳато эмаслигига яна бир карра амин бўламиз.

Туркиянинг иқтисодий ислоҳотлар тажрибаси ўрнак сифатида яқинда ўз миллий мустақиллигини қўлга киритган собиқ туркий жумҳуриятлар учун катта аҳамиятга эга. Яна бир томони, миллий иқтисодиётимизни шакллантириш ва дунё миқёсига олиб чиқиш учун турк биродарларимизнинг кўмаги сув билан ҳаводай зарур.

Туркия ҳукумати бу борада кўп ишлар қилмоқда. Хусусан, унинг Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллигини биринчи бўлиб тан олгани ҳамда унинг БМТ ва бошқа мўътабар халқаро ташкилотларга аъзо бўлишида воситачилик қилаётганини эслаб ўтиш кифоя.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг Туркия республикасига навбатдаги ташрифи давлатлараро муносабатларни яна бир поғона юқорига кўтариши шубҳасиз.

(ЎзА).

НИДЕРЛАНДИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

27 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков Нидерландиянинг «Аальберс еуроп консалтанс» фирмаси президенти К. Аальберс билан учрашди.

Суҳбат чоғида Европадаги йирик савдо-сотиқ ва маслаҳат хизматлари билан шуғулланувчи фирманинг Ўзбекистон давлат иқтисодий тузилмалари билан келгусидаги ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди.

Нидерландиялик ишбилармонлар республика иқтисодиётини, жумладан унинг деҳқончилик — саноат мажмуини юксалтириш ишида мазкур фирма лойиҳаларидан фойдаланишни таклиф қилдилар. Баъзи хўжаликларда неча йиллардан бери голландча технология асосида картошка етиштирилади. Шу туфайли одатдагидан бир ярим икки баравар кўп ҳосил олинмоқда. Ҳозир «Аальберс еуроп консалтанс» фирмаси Ғарбий Европанинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш усулларини Ўзбекистон шароитида анча катта майдонларда жорий этиш самарадорлигини текшириб кўришни таклиф қилмоқда. Фирма Ўзбекистонга келгуси йил кўкламда 75 минг тонна уруғлик картошка етказиб беришга тайёр эканлигини билдирди. Бу эса 25 минг гектар ерга картошка экиш имконини беради. Қимматбаҳо маҳсулот етиштириш ва териб олишнинг замонавий технологиясидан фойдаланиш чет эллардан картошка харид қилишни анча камайтиришга имкон беради.

Учрашув чоғида деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида ҳам ҳамкорликни ривожлантириш назарда тутилаётгани қайд этиб ўтилди. Голландия фирмаси вакилларининг делегацияси Ўзбекистонда 30 октябргача бўлади. Бир қанча манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари билан биргаликда ишлаш тўғрисида аниқ битимлар тузиш масалалари муҳокама қилинади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, баъзи республика вазирликларининг раҳбарлари қатнашдилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов 27 октябрда АҚШнинг республикамиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларкни қабул қилди. Суҳбат вақтида икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик муаммолари муҳокама қилинди. Ўзбекистонда Қўшма Штатлар элчихонаси очилгандан кейин икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги алоқалар анчагина кучайгани қайд этилди.

Ҳамкорликни иқтисодий ва ижтимоий фаолиятнинг кўпгина соҳалари бўйича ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш кўзда тутилаётганлиги учрашувда таъкидлаб ўтилди. Г. Л. Кларк Америка савдо-саноат доираларининг бу ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканликларини уқтириб ўтди.

(ЎзА мухбири).

ДУНЁ ОВОЗИ

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

● **Ўзбекистонда Малайзиянинг кино, маданият ва оммавий ахборот воситалари ходимлари делегацияси меҳмон бўлиб турибди.**

Малайзия ахборот вазирининг ўринбосари Рэлей Желфей бошчилигидаги делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э. Самандаров қабул қилди.

Суҳбатда ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалаларга эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг шу йил Малайзияга қилган сафари ҳамда ташриф давомида имзоланган ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида барча соҳаларда дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш икки томон учун фойдали экани айтилди.

Суҳбатда Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулотда ва мухтор элчиси Муҳаммад Ховун иштирок этди.

МОСКВАГА ТАШРИФ

● **Европа Кенгаши Бош котиби Катрин Лалюмьер хоним Москвага келади.**

Россия ана шу нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлиш тараддудида. Бош котибнинг сафари ана шу воқеа билан боғлиқдир.

РАФИҚАСИ БЕТОБЛИГИ САБАБЛИ САФАРГА ЧИҚА ОЛМАДИ

● **Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Терес Испанияга ўз ташрифини кечиктирди.**

Вазирнинг рафиқаси юрак хасталиги билан оғриб қолганлиги сафар кечиктирилишига сабаб бўлди.

Испания ташқи ишлар вазирининг дипломатик мақкамалар бошлиқлари билан учрашуви ҳам кечиктирилган. Суҳбат давомида яқин Шарқдаги вазият муҳокама этилиши лозим эди.

ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

● **Латвия ташқи ишлар вазири Янис Юрканс истеъфога чиқди.**

Латвия бош вазири Ивар Годманиснинг илтимосига кўра ташқи ишлар вазири истеъфо берган. Парламент депутатлари билан ташқи ва ички сиёсат масалалари ҳусусида келишаолмаслик вазирни шунга мажбур қилди.

КАТТА ШОВ-ШУВГА САБАБ

● **Қўшма Штатлар ўзининг ашаддий душмани — Ироқдаги Саддам Ҳусайн ҳукуматига энг катта тўп ясашда ёрдам берган экан.**

Си-би-эс ва Би-би-си телекомпаниялари катта шов-шувга сабаб бўлаётган шу янгиликни тарқатдилар. Илгари Германия ва Англиянинг шу ишда Саддам Ҳусайн билан ҳамкорлик қилгани ҳақида хабар берилган эди.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ЯНГИ АЪЗОЛАРИ

● **Бразилия, Жибути, Испания, Янги Зеландия ва Покистон давлатлари сешанба куни икки йил муддатга — 1993 йил 1 январдан 1994 йилнинг 31 декабрига қадар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзолари этиб сайланди.**

Сайлов масаласи БМТ Бош ассамблеясининг 47-сессиясида кўриб чиқилди.

ЖИНОЯТ УСТИГА ЖИНОЯТ

● **Америка Қўшма Штатлари адлия вазирлигининг маълумотномасида мамлакатда жиноятчилик кўпайиб бораётганлиги тилга олинади.**

1991 йилда мамлакатда 34,7 миллион жиноят қайд этилган. Зўравонлик аралашган жиноятлар миқдори эса 7 фоиз кўпайган ёки бу кўрсаткич 6,4 миллионга тенгдир.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзнома хабарлари асосида тайёрланди).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ ЙЎЛ

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ривожланиши, бозор иқтисодиётига ўтиши, инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш учун қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш янги Конституция лойиҳасида катта ўрин эгаллайди. Конституциянинг 3-боби қонуннинг устунлигига бағишланган бўлиб, 15-моддасида давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ўз фаолиятида Конституция ва қонунларга амал қилишлиги кўрсатилган.

Қонунийлик — бу давлатнинг Конституцияси ва қонунларига асосланиб чиқариладиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси бўлиб, унда Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча халқларнинг иродаси ифодаланади. Шуларнинг давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан бажарилиши қонунийликдир. Қонунийлик ҳуқуқий тартибот орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибот эса ҳуқуқий нормалар билан жамиятда кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солишдир. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ўзаро боғлиқ. Кишилар ўртасидаги муносабат ёки фуқаролар билан давлат органлари ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий нормалар орқали амалга оширилиб, қонунийликни янада мустаҳкамлайди.

Лойиҳанинг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деган бўлимида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, уларнинг жинси, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, ҳар қандай миллий ва ирқий камситиш қонунга мувофиқ жазоланиши кўрсатилган.

Лойиҳада БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»га асосан фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг кафолатлари берилган. Бизда жамиятнинг асосий бўғинини ташкил қилган оилани тағин ҳам мустаҳкамлаш, ота-она ва болаларнинг ҳуқуқи ҳамда бурчларини белгилаш, кишиларнинг оила ва жамият олдидаги масъулиятини ошириши катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда лойиҳанинг 60-моддасида **«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади»**, деб кўрсатилган. Бизнингча, бу модда **«Оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, оила давлат ҳимоясидадир. Аёл билан эркакнинг ихтиёрий келишувига биноан тузилиб, тенг ҳуқуқлидирлар»**, деб кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Лойиҳанинг 73-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, аввалги республика Олий Кенгашидай назорат қилиш вазифасини бажармасдан, фақат қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Шунинг учун қонун қабул қилиш тартибини белгилаб қўйса яхши бўлар эди. Лойиҳанинг 80-моддасида **«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади»** дейилган. Бизнингча, бу модда **«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилади. Қонун чиқариш тўрт босқичдан: қонун таклиф қилиш, уни муҳокама этиш, қабул қилиш ва эълон қилишдан иборатдир»**, деб тўлдирилиши керак.

Лойиҳанинг 79-моддасида **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонун лойиҳаларини таклиф этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ўзининг давлат олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди, Олий Суди, Олий хўжалик Суди, Бош прокурори эгадирлар»** дейилган. Бу ўринда **«жамоат ташкилотлари номидан уларнинг республика органларига қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқи берилсин»**, деб қўшимча қилинса мақбул бўларди.

Лойиҳанинг ўзбек тилидаги нусхасида 110-модданинг «а»-бандида «Олий Мажлис» сўзи ўрнида «Олий Кенгаш» ёзилган. Шунинг учун бу модданинг қўйидагича берилишини таклиф қиламан: **«Қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган ўзга ҳужжатларнинг»**, деб, қолгани ёзилгани бўйича давом этиши керак.

Қурбонали ХОЛМУМИНОВ,
Тошкент Давлат юридик институтининг давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси доценти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

«Ўзбекистон овози»га обуна давом этмоқда

ДАЛАЛАРДАГИ УЧРАШУВЛАР

* *Газета-газетхон*

Мамараҳим Раҳматов номли жамоа хўжалиги нафақат, Қува райони, балки Фарғона вилоятида ҳам иқтисодий жиҳатдан энг бақувватлардан ҳисобланади. Хўжаликда 950 гектар ерга пахта экилган, йиллик режа эса бажарилиш арафасида.

— Кейинги беш-олти йил ичида ҳосилдорликни гектаридан 47 центнерданга етказишга муваффақ бўлдик,— дейди жамоа хўжалиги раиси Ҳ. Қурбонов. — Президентимиз И. Каримов пахтанинг харид нархларини ошириш юзасидан яқинда қабул қилинган фармони шарофати билан бу йил умумий даромадимиз 75 миллион сўмга етади. Бу маблағ албатта халқ фаровонлигини оширишга сарфланади. Биз ҳозирнинг ўзида умумий қиймати 22 миллион сўмлик маданий-маиший иншоот биноларни қуряпмиз. Улар орасида кичик корхона, шифохона, чойхонадан то масжидгача бор. Хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлашда жамоамиздаги 114 нафар аъзоси бўлган ХДП бошланғич ташкилоти катта ёрдам бермоқда.

Хўжаликнинг Ҳ. Далиев бошлиқ бригадаси йиллик режани аллақачон дўндириб қўйган. Ҳакимжон ака жуда эътиқодли партия аъзоси. У ЎзХДП Фарғона вилояти кенгаши бюросининг аъзоси сифатида ҳам катта партиявий ташкилий ишларни олиб бормоқда. Бригадаси ва журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтди. «Ўзбекистон овози» газетасининг ижодий ходимлари, ХДП вилоят ва район Кенгашларининг котиблари пахтакорлар ҳузурига келдилар. Суҳбат мавзуи мустақил Ўзбекистоннинг бугунги одамларни, етакчи сиёсий куч бўлиб қолаётган Халқ демократик партиясининг долзарб ишлари, айниқса Ўзбекистонни жаҳондаги ривожланган мамлакатлардан бирига айлантиришда ХДПнинг ҳамда партиявий матбуот ўрни ҳақида бўлди.

Тўғри, ҳар бир сўмнинг оила бюджетида ўз ўрни бор. Аммо деҳқонлар «Ўзбекистон овози» газетасининг халқимиз миллий-маънавий қадриятларидан бири эканлиги, унинг сифат ва мазмун мундарижаси юксалиб бораётганлиги, халқнинг қувончи ва дарди, ташвиш ва муаммолари газета саҳифаларида ёрқин акс этаётганлиги ҳақида гапирдилар. Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу бригада аъзолари ёппасига қадрдон газетга обуна бўлганлар.

— Жамоа хўжалигимиз аъзоларидан 500 киши «Ўзбекистон овози»га обуна бўлади, — дея қатъий ваъда берди хўжалик партия ташкилотининг котиби Х. Каримов. — Кекса партия аъзолари, ночорроқ оилаларга хўжалик ҳисобидан газета етказиб берилади.

● ХДП аъзоси, «Ўзбекистон овози»нинг мухлиси механизатор Исмоил Маматов мавсумда 120 тонна пахта термоқчи. СУРАТЛАРНИ: Люсен ЗАНИС олган.

● М. Раҳматов номли колхоз раиси Ҳайдарали Қурбонов: 500 та «Ўзбекистон овозига обуна бўламиз...

— Мен илгари ҳеч қачон партияда бўлмаганман.—дейди ижарачи звено бошлиғи Х. Абдураимов. — Аммо Ўзбекистон ХДП партиясининг Дастури ва Низоми билан танишиб, айни мана шу партия истиқлолнинг машаққатли йўлларидан олға бораётган Ўзбекистон учун чинакам мададкор бўлишини тушундим ва унга аъзо бўлдим.

Бригада цех партия ташкилоти етакчиси Н. Қурбонов, ижарачи М. Муроталиева, ХДП Фарғона вилояти Кенгаши котиби А. Шермatов, «Ўзбекистон овози» масъул котиби А. Абдубанопов, газетанинг Фарғона вилояти бўйича мухбири ёзувчи А. Ибодинов, ХДП Қува район Кенгашининг биринчи котиби К. Мамасолиевалар газетанинг бугунги аҳволи, унинг мазмуни, обуна масалалари ҳусусида батафсил тўхталдилар.

«Ўзбекистон овози» мухтарийлари билан учрашувлар райондаги «Гулистон», «Деҳқонобод» жамоа хўжаликлари, район хокимиятида ҳам бўлиб ўтди.

— Қуваликлар бугунги кунда «Ўзбекистон овози» газетасига вилоятда энг кўп обуна бўлишди. Ишонамизки, биз бу соҳада биринчиликни қўлдан бермаймиз. Зеро, «Ўзбекистон овози» бизнинг энг севимли газетамиздир, — деди учрашувлар якуни бўйича ўтказилган суҳбатда Қува райони ҳокими М. Носиров.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИШ УЧУН МЕВА-САБЗАВОТ

Қиш эшик қоқмоқда. Бундай пайтда омборимизда етарлича егуликлар бўлмаса, хотиржам бўлаолмаймиз. Қорақалпоғистондаги давлат ва жамоат хўжаликларида етиштирилаётган картошка, сабзавот, мева-узум билан қиш ойларида шаҳар ва район марказлари аҳолисини тўла таъминлаш имконияти йўқ.

Шуни эътиборга олиб, ҳозирги қийин шароитда бир қатор савдо тармоқлари республика ташқарисидан картошка, сабзавот келтиришмоқда. Қорақалпоғистон тайёрловчилари ҳозиргача келаси йилнинг март, апрель ойларигача етадиган миқдорда картошка, пиёз жамғаришга ўлгурдилар.

Улар республика ташқарисидан 11750 тонна картошка келтирдилар. Чунончи, Чувашистондан 2400 тонна, Бошқирдистондан 2800 тонна, Татаристондан 3800 тонна картошка келтирилди. Шартнома бўйича Польшадан 2750 тонна картошка олинади. Тўрткўл, Беруний, Хўжайли, Амударё, Нукус районларидаги омборларга 350—450 тоннадан кўпроқ картошка ғамлаб қўйилди. Шу кунларда пиёз ҳам келтириляпти.

— Республикамиз ташқарисидан келтирилган юкларни темир йўл станциялари раҳбарлари бизга ўлчаб топшириши керак, — дейди «Рескоопзаготторг» раиси ўринбосари Х. Йўлдошев. — Чунки юклар жўнатилганда вагонлар ўлчаб топширилади. Мабодо вагонлардаги маҳсулотлар қам чиқиб қолса, бизга тижорат акти берилиши керак. Темир йўл станцияларида вагон тарозилари йўқлигидан ўзимиз ўлчаб олишга мажбур бўлмоқдамиз. Бу ишимизда қўшимча қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Бунинг устига ортиқча сарф-ҳаражатларни кўпайтириб юбормоқда. Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси раҳбарлари бу муаммони ҳал этишлари керак. Асосий юкларнинг деярли ҳаммаси республика ташқарисидан келаётганлиги эътиборга олинса, мазкур масалани бундан кейин пайсалга солиш мумкин эмас.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Инсоф сари барака!

ОСИЁ БОЗОРИ

• Ахборот-тижорат газетаси •

1992 йил 29 октябрь, пайшанба № 2

«ОСИЁ БОЗОРИ»ДАН ЖАҲОН БОЗОРИ САРИ

Бозор муносабатларига ўтиш ҳаётнинг барча жабҳаларига ўзгартиришлар киритмоқда. Бундан матбуот ҳам мустасно эмас. Қоғоз нархи «танк» нархи билан беллашиб турган бир пайтда газеталар ҳам тижорат ишларига қўл уришга мажбур бўлмоқдалар. Ўз-ўзини маблағ билан қоплаш янги ахборот-тижорат газеталарининг туғилишига олиб келмоқда.

«Осиё бозори» ҳам отахон газета бағрида шу тариқа дунёга келди. Газетамиз иқтисодиёт ривожининг замини бўлган бозор муносабатлари масалаларини рўйи-рост ёритиб, республикамизда оқил ишбилармонлар сафини кенгайтиришга ҳисса қўшади, деб ўйлаймиз.

Сиз «Осиё бозори» газетасида турли эълонлар, билдирувлар, рекламаларни, қизиқарли ахборотларни чоп этиш имкониятига эга бўласиз. Бизда эълонлар учун энг арзон нарх жорий қилинган. Бунинг устига газетамиз кўп нусхада республика бўйлаб тарқалишини назарда тутишни унутманг. «Осиё бозори» ҳар қандай сиёсатдан ҳоли бўлган, ахборот-тижорат ишларига кенг бағрини очган чин маънодаги реклама газетасидир. Эълон беришда янглишманг. «Тез, лўнда, қисқа, ўз вақтида эълон қилиш» — бизнинг шиоримиздир. Унда барча учун, яъни оммабоп эълонлар, шахсий билдирувлар энг арзон нархларда чоп этилади. Эълонлар пул ўтказиш ёки нақд пулга чоп этилиши мумкин.

Тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар, биржа ва корхоналарнинг раҳбарлари, марҳамат ўз маҳсулотингизни кўз-кўз қилмоқчи бўлсангиз, «Осиё бозори»га мурожаат қилинг. Сиз фақат «Осиё бозори» орқали Ўрта Осиёдаги мустақил республикаларга, МДҲ давлатларига, қолаверса, жаҳон бозорига чиқишингиз мумкин.

Эълонларингизни кутамиз.

— Энди бу олтинлар Ўзбекистонники!

ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИНИ

Олтини бор одамнинг бели бақувват, қўли узун бўлади, деб бежиз айтмаган доно ҳалқимиз. Шунга кўра олтин давлатлар қудратини аниқловчи ўлчов десак, янглишмаган бўламиз.

Ўзбекистон азалдан бой мамлакат. Унинг ер усти ва ер ости бойликлари кўп. Зарафшон, Мурунтов, Маржонбулоқ, Ангрен, Чодак, Қалмоққир олтин конлари бор... Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бу ҳақда фахрланиб гапиргани бежиз эмас:

— Мустақиллик дегани биз учун энг аввало она заминга эгалик, ер ости ва ер усти бойликларимизни ўзимиз, аввалambор республикамизда яшаётган аҳоли учун ишлатиш, бошқача айтганда, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимиз керак, — деган эди Президентимиз. — **Ўзбекистон ер ости бойликлари нафақат ўзимизни, замондошларни, балки келажак авлодларни, невара-чевараларимизни, бугунги Ўзбекистон халқларининг ягона байналмилал оиласини ташкил этувчи барча инсонларни боқий ва уларнинг бахтиёр ҳаётини таъминлаш учун бемалол етиб боради...**

Президент Ўзбекистон ер ости бойликлари деганда, албатта Ўзбекистон олтинини назарда тутяпти. Унинг ўзи Олмалиқда сайловчилар билан бўлган учрашувда Олмалиқ олтини ҳақида тўлқинланиб завқ билан гапирган эди. Ҳар бири 13 килограмм келадиган Олмалиқ олтин ёмбисини қўлига ушлаб (суратда), энди бу олтинлар «марказ»ники эмас, Ўзбекистонники, шу ерда Ўзбекистонда қолади деб, болаларча қувониб таъкидлаган эди...

Ўшанда Президентимизнинг ўз халқи ва ўз республикаси учун бағоят шод эканлигини кўриш биз учун мароқли манзара касб этди. У Ўзбекистон байроғи остида икки бўлак олтинни кўтариб одамларга кўрсатганида, бизда зўр ҳис—туйғу пайдо бўлди. Жамики яхши нарсаларни, республиканинг истиқболини Президент номи билан боғлаётганимиз бағоят тўғри десам, ҳамманинг фикрини ифодалаган бўламан.

Олтинни излаб топиш, уни бошқа жинслардан ажратиб олишга жуда кўп меҳнат сарф қилинади. Шунинг учун олтиннинг зиғирчаси ҳам жуда қиммат баҳоланади.

Бундай сифати туфайли олтин бошқа ҳамма металларни, шу жумладан баъзи мамлакатларда бир вақтлар олтиндан ҳам юқори баҳоланган кумушни ҳам ортда қолдириб кетди. «Олтин» асосий пул метали бўлиб қолди ва бутун жаҳонда ғалаба қилди. «Олтин» сўзи одамларнинг тушунчасига «пул» сўзи билан сингиб кетди.

Ҳозирги кунда «Ўзбекистон олтини» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизилқумметбыт» концерни ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати билан бирга олтин ишлаб чиқариш ишига муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Ўтган йилнинг август ойидан бошлаб олтин ўзимизда қоляпти. Ҳозирда республикамиз ана шу олтинларимиз ҳисобидан чет эллардан ёғ, буғдой, шакар сотиб олмоқда.

Олтин ҳақида гап кетганда, бир ибратли ҳикоят ёдга тушади. Айтишларича, қадим замонда бир уста сартарош ўтган экан. Шу мамлакат подшоси унга соч-соқолини олдириб турар экан. Кунлардан бирида сартарош дўконга кетаётиб муштдек олтин ёмбисини топиб олибди. Ҳовлиққанидан қаерга яширишни билмай охири оёғи тагига кўмибди. Шу пайт подшо соч олдиргани келиб қолибди. Сартарош айланиб соч олаётганмишу, олтининг устига келганда ўзини подшодан ҳам қудратли сезармиш, мижоз сал қимирлаган экан, «тўғри ўтир бўғзингга устарани тортиб юбораман» деб юборибди...

Қиссадан ҳисса шуки, олтини бор мамлакатнинг халқи бой—бадавлат яшайди, кучқудратли бўлади, сўзи, эли дадил бўлади...

Ҳа, дўстлар энди Ўзбекистоннинг ўз олтини бор. У ўз хазинамизни бойитади. Бу бойлик, Мустақил Ўзбекистон равнақи, халқининг фаровонлиги учун хизмат қилади.

Ҳасан ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Ўзбекистон олтини» ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош директори.

Мустақиллик шарофати

ТОШКЕНТНИНГ БИЛЛУР ҚАНДИЛЛАРИ

УЛАР ЭВАЗИГА УЙ-РЎЗҒОР, ЭЛЕКТР БУЮМЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТАРМОҚНИНГ ПЕШҚАДАМИГА АЙЛАНДИ

Собиқ Иттифоқнинг парчаланган иқтисодий занжирларидан қутилганимиз кўп яхши иш бўлди. Мустақиллик шарофати билан ўзлигимизни танидик. Миллий қадриятларимиз тикланди. Яхши анъаналар қарор топди. Ишлаганнинг меҳнати юзага чиқадиган кунлар келди. Бу ўз ўрнида жамоамиз ишчиларига юксак масъулият юкламоқда.

Бирлашмамизда турли халқ истеъмол буюмларидан ташқари ҳар хил қандиллар тайёрланади. Уларнинг тури 50 дан зиёд. Бирлашмамиз асосий маҳсулотига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларни ҳисобга олиб, қандилларга шарқона шакл бераяпмиз. Ана шундай услубда ишланган 10 га яқин қандилларимиз савдо шохобчаларини безаяпти. Хонадонларга алоҳида кўрк бағишлаяпти. Ютуқларимизда бирлашмамиз директори Бахтиёр Аёзович Тўлагановнинг ҳиссаси катта. Уни кўпчилик омади кулган раҳбар дейишади. Бу гапларда жон бор. Ахир шундай шароитда минг гадан ишчи-хизматчига эга бўлган жамоани бошқаришнинг ўзи бўладими? Директоримиз энг аввало янгиликка ўч. Қолаверса жамоа жонкуяри. Унинг бошчилигида амалга оширилаётган ишлардан ҳамманинг кўнгли тўлмоқда. Ҳозир ишлаб чиқаришдаги муаммоларни ҳал этилмаётгани боис не-не корхоналарнинг иш маромини бузилган. Бизда эса аксинча. Ишларимиз олдингидай давом этмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг қисқариши ёки ҳом ашё тақчиллиги жамоамизга хавф сололгани йўқ.

Ишбилармонлик келажакни кўра биладиган одамнинг иши. Бахтиёр Тўлаганов ҳам табиатан шундай: оёқни остида ётган нарсани эмас, аксинча ундан нарироқдагисини кўзлайди. Йил бошида бирлашма мутахассисларининг кўпчилиги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги саноат корхоналари, меҳнат жамоалари билан мол айирбошлашга шартномалар тузишди. Уларга бирлашманинг маҳсулотлари таклиф қилиниб, хом ашё олинди. 400 минг сўмлик қандил эвазига Челябинск металлургия комбинати электр пайвандлашда ишлатиладиган трубканинг 250 километрини етказиб берди. Бошқачасига айтганда бирлашманинг бир кунлик маҳсулоти эвазига унинг бир йиллик иш маромини сақланиб қолинди. Магнитор металлургия комбинати ҳам шунча маҳсулотга ҳар хил диаметрдаги 1200 тонна симни алмашди. Қарағандадан уч вагон металл Шевченкодан 300 тонна пластмасса келди.

Тожикистоннинг Исфара шаҳридаги «Цветотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан йўлга қўйилган кўп йиллик самарали ҳамкорлик иккала жамоага ҳам катта наф келтирмоқда. Исфаралик ҳамкорлар бирлашмага электр патронларини узлуксиз етказиб беришяпти. Мол айирбошлаш йўли билан «Тошкенткабель», «Андижонкабель» бирлашмаларидан қандиллар учун муҳофазаланган симлар олинмоқда.

Бирлашмада иқтисодий омилларни ҳаракатга келтиришнинг манбалари талайгина. Улар эвазига янги линиялар қурилмоқда, участкалар очиляпти. Маҳсулотларнинг тури кўпайтириб борилмоқда. Яқинда корхонада дазмол ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Унинг тажриба-синов намуналари харидорларга манзур бўлди. Дўконларда қўлма-қўл бўлиб кетди. Инсон саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган электрбелбоғ, баданни электр ёрдамида иситувчи мослама ҳам тезда харидорларни ўзига жалб этди. Пластмассадан, шишадан, олдинги намуналардан анча такомиллаштирилган қандиллар ишлаб чиқарилди. Чўян қуймасидан тайёрланган кўча ёритгичлар айниқса ўзига хослиги билан ажралиб туради. Миллий усулда ишланган бу янги маҳсулот шаҳарларнинг гавжум хиёбонлари, кўркам кўчаларни, аҳоли яшаш жойларига, қишлоқ марказларига алоҳида файз бағишлайди. Бирлашмада бундан бешой аввал янги участка ташкил этилган эди. Унда бари ойнасидан қандиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу мақсад учун участкага янги печлар ўрнатилди. Бирлашмада ҳозир бирон бир хом ашё чиқитга чиқмайди. Ундан унумли фойдаланиш учун тажриба участкаси ишлаб турибди. Корхонани чиқитсиз ишлашини таъминламоқда.

— Ишчи-хизматчиларимизни меҳнатларига яраша рағбатлантириб бораяпмиз, — деди бирлашма директори, Чилонзор район Совети депутати Бахтиёр Аёзович Тўлаганов. — Улар маошларига қўшимча 30 фоиз ҳақ олишмоқда. 40 фоиз мукофот билан рағбатлантириб борилаяпти. Қолаверса, ҳар бир ходимга, ишчи-хизматчига кунига 20 сўмдан овқат пули бераяпмиз. Шу билан биргаликда уларнинг оила аъзолари сонига қараб картошка, пиёз пули билан таъминлаяпмиз. Яқинда ёрдамчи хўжалигимиздан келтирилган 300 килограмм асалнинг ҳар бир килосини 100 сўмдан ишчиларимизга тарқатдик. Республикамиз мустақиллигининг бир йиллик байрамига 150 минг сўм ажратдик.

Меҳнат қилган етар муродга, деб бежиз айтилмаган. Ишчан жамоа айни кунларда чет эллик таниқли фирмалар билан яқин ҳамкорлик қилиш ҳаракатида юрибди. Хитой ва Урумчидаги саноат корхоналари билан шартномалар тузишга замин ҳозирламоқда. Ҳамкорлик йўлга қўйилгач, дазмол, қандил, газ плитаси комфоркаси, енгил автомобиллар учун магнитафон, пластмасса шиппак хорижий шериклар билан биргаликда ишлаб чиқарилади. Жанубий кореялик ишбилармонлар билан ҳам ана шундай алоқалар ўрнатилади. Бунинг эвазига бирлашма қўшма корхонага айлантирилади.

Бирлашманинг «Нур» фирмали дўкони Тошкент шаҳрининг «Эски Жўва» бозори ва Волгоград кўчасида жойлашган. Харидорлар билан доимо гавжум бу дўконларда ойнга бирлашманинг 150 минг сўмлик маҳсулоти сотиляпти. Бошқача айтганда бу дўконлар корхона учун ўзига хос барометр ролини ўтаяпти. Савдога қўйилган янги маҳсулотнинг қандай кетиши чуқур ўрганилиб борилмоқда. Харидоргир турлари оммавий ишлаб чиқаришга қўйиляпти.

Яна бир гап. Аввалари бирлашманинг янги маҳсулотлари Москвадаги идоралар орқали тасдиқдан ўтиб, ишлаб чиқаришга йўл оларди. Энди эса бу вазифани корхонанинг ўзида очилган янги лаборатория бажармоқда. Бунинг эвазига четга кетаётган 100 минг сўмлаб маблағлар тежаб қолиняпти. Шуниси қувончлики, келгусида Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги турдош корхоналарнинг янги маҳсулотлари ҳам шу лабораторияда тасдиқдан ўтади. Бу бирлашмага катта даромад келтиради. Корхонада яқин кунларда очиладиган химия лабораторияси эса металларнинг занглашини олдини олишга хизмат қилади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

ТОЛАНИНГ НАРХИ

Жаҳон пахтазорларида ҳосилнинг чўғи ҳақида икки оғиз гапириб ўтсак: Лотин Америкасидан ташқари барча пахта экиладиган мамлакатларда ҳосил мўл бўлди. Покистонда 1,83 миллион тонна пахта етиштирилди. Африка мамлакатларидаги пахта хирмони бу йил 500 минг тоннага боради. Греция далаларида эса мисли кўрилмаган «оқ олтин» ундирилди: хирмон 875 минг тоннага етади. Хитойда ҳосил 30 фоиз кўпайди. Бразилия ўзи етиштирган пахтани жаҳон бозорида энг арзон нархда сотишга тайёр.

Дунё бозорида нархнаво қандай? Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларидаги биржаларда бир тонна толани 150 минг сўмга сотиш ниятидалар. Сўмнинг тобора қадрсизланиб бораётгани сабабли ноябрь ойида ҳар тонна толанинг нархи 250—280 минг сўмга кўтарилса, ажаб эмас.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси эндиликда ўз толасини бевосита жаҳон бозорига чиқариб сотмоқда. «Франс Пресс» агентлигининг хабар беришича, Францияда Ўзбекистон толаси Африка толасини сиқиб чиқармоқда. Бозор — бозорда, ахир. Кўтарганига сотасиз ва қурбингизга қараб харид қиласиз. Бу мамлакатда харидордан Ўзбекистон пахта толасининг ҳар тоннасига 1060 доллар сўралмоқда.

Қарши чўлларини ўзлаштиришда мисли кўрилмаган кенг кўламли ишлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидламоқ керак. Бепоён Қарши даштини ўзлаштириш, Амударё сувини чўлга оқизиш, Қарши машина магистраль канали, Чимқўрғон, Ҳисорак, Пачкамар, Толлимаржон сув омборлари Шароф Рашидовнинг ақл-заковати билан юзага келганлигини чўлқуварлар унутишмайди.

У вилоятимиз маркази — қадимий ва навқирон Қарши шаҳрини ободонлаштириш, вилоятда ўнлаб янги давлат хўжаликлари, Нишон, Ульянов, Муборак, У. Юсупов, Баҳористон каби қўриқ райондар тузилишига шахсий ташаббускорлик кўрсатганлигини халқимиз ҳурмат ва миннатдорчилик билан эслайди. Нишон райони территорияси бизни ҳам ранжитди, ҳам ғазаблантирди. Лекин ҳақиқат бор экан, юзага чиқди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг шахсий ташаббуси билан III. Рашидов хотирасига нисбатан адолат тикланди. Бунинг учун ҳурматли Президентимизга чексиз ташаккур изҳор этамиз.

Айни пайтда Шароф Рашидовнинг 75 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Вилоятимизда ҳам юбилейни муносиб кутиб олиш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Меҳнаткашларнинг талаб ва истакларига биноан Шароф Рашидов хотирасини абадийлаштириш учун Толлимаржон ГРЭСи ва Ульянов районидаги 18-совхозга унинг номи берилди. Фан ва маданият муассасаларида ҳам атоқли давлат арбоби юбилейи олдидан қатор ишлар қилиняпти. Яқинда «Насаф» нашриётида чоп этилган «Табаррук излар» рисоласида Шароф Рашидовнинг Қашқадарё вилояти ва унинг одамлари билан боғлиқ ҳаётий фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Республикамизда Шароф Рашидов номли махсус жамғарма ташкил этилганлигини эшитиб ғоят қувонасизки, ўзбекистонлик ва чет эллик кўплаб ҳомийлар ушбу жамғармага ўз ҳиссаларини қўшаётган ташкилотлар ва корхоналар, колхоз ва совхозлар, саховатли инсонлар кўп. Толлимаржон ГРЭСи, Ульянов районидаги 18-совхоз, Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхоз, «Қаршистрой» бирлашмаси, «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, консерва заводи, биржа, фирма ва бошқа ўнлаб жамоалар жамғармага пул ўтказиш истагини билдирмоқдалар. Бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаяпмиз. Фахрийлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат фидойилари ҳам бу ишдан четда қолаётганлари йўқ. Меҳнат қаҳрамони Нурмамат Рустамов, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ҳабибулло Файзуллаев, донгдор қўйчивонлар Чўлимурод Барноев, Тўймурод Нуриев, жамғармага ўз ҳиссаларидан 1,5—2 минг сўмдан пул ўтказдилар. Бундай меҳри илиқ, саховатли инсонлар сафи кенгайиб бормоқда.

Қашқадарёликлар Шароф Рашидов руҳини шод этиб, у бошлаган савоб ишларни рўёбга чиқариш учун меҳнатда куч-ғайратларини аямай, юбилейни муносиб совғалар билан нишонлайдилар.

Шарофнома

Халқи учун ўзини бахшида этган, ўз даврининг фидойиси бўлиб яшаган ва ҳаётда чуқур из қолдирган инсонлардан бири Шароф Рашидов эди. У зот кўпчиликка яхшилик қилиб, уларнинг эл-юрт ўртасида камол топишига ёрдам берганди. Ҳа, у чин устоз эди!

Ҳаёт шундай жозибали ва сеҳрлики, ҳар биримизнинг тақдиримиз қандайдир бошқа бир инсон ҳаёти, қолаверса тақдири билан боғлиқ экан, унинг келажагига ҳам сабабчи бўлиб қоларкан. Бир мисол келтирмоқчиман.

Ёшлигимда мактабда ўқиб юрганимда ўқитувчим Луқмонжон Нўъмонов мени расм солишга, чизмачиликка ўргатиб, Тошкентдаги олий ўқув юртига йўллаган эди. Давр тақозоси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш мухандислари институтида профессор ва ўқитувчилардан таҳсил олдим. Бироқ илм-фан ҳаётимда раҳнамо бўлишига Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Михаил Владимирович Сабликов сабабчи бўлди. Диссертация ёқлаб, техника фанлари номзоди бўлиб етишишимга, институтда ўқитувчилик қилиб, доцент ва профессор илмий унвонларига эришишимда пахта териш машиналарини лойиҳалаш назариясини яратган таниқли олимнинг хизмати катта бўлган.

Она институтимда 1946 йилдан 1978 йилгача, яъни 32 йил таҳсил кўрдим, ассистентликдан тортиб профессорликкача етиб, кафедра мудири, декан муовини, факультет декани лавозимларида қўлимдан келганича хизмат қилдим. Аммо ҳаётимда бир улуғ зот учрадики, ҳали-ҳали вужудимда ҳаяжон.

Кунларнинг бирида, 1961 йил бошида Шароф Рашидов таклиф қилиб қолдилар. Республика раҳбарияти шу олий билимгоҳ ректорлигини менинг зиммамга топширишни мўлжаллашаётганини тушунтирдилар. Мен ҳали ёшман, эндигина 30 ёшга тўлгандим. Бундай катта лавозимда ишлашга табиийки, ҳали етарли тажрибам ҳам йўқлигига қарамай ректорликни лозим кўришди. Бунга роппа-роса 31 йил бўлибди!

Одам ўйлаб қоларкан. Табиат нақадар талабчан ва инсонга меҳрибон. Қаранг, мактабда меҳрибон ўқитувчим, институтда етук олим устозлик қилди. Олий билимгоҳга раҳбарлик қилишни мутафаккир, узоқни кўзлайдиган, олижаноб инсон, тажрибали раҳбар Шароф Рашидов тавсия этди.

Бахтимдан ўргилайки, шундай мутафаккир инсон назарига тушибман. Уйлаб қоламан: ким эди-му, ким бўлдим! Айтмоқчиманки, менга ўхшаганлар ўша даврда жуда кўп эди, ҳатто мендан ўн чандон тажрибали олимлар ҳам йўқ эмас эди.

Дона раҳбарнинг ишончини оқлаш учун мен бутун куч-қувватимни, навқирон ёшлигимни, бор билимимни, озми-кўпми орттирган тажрибамни ана шу улуғ зотнинг ҳурмати учун сарфладим. Мен нима учун буни таъкидлаяпман? Агар масалага масъулият билан қаралса, киши шундай катта ишончдан мағрурланиб кетмаслиги, муқаддас ишончни оқлаши қарз.

18 йил давомида ректорлик қилдим. Шу даврда Шароф Рашидовнинг насиҳатларига доимо амал қилиб, жамоа билан бамаслаҳат катта ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдик.

Олий билимгоҳда муҳташам, жазибадор, дунёвий талабларга муносиб ўқув-лаборатория комплекси қурилди. Олий билимгоҳ фаолиятини ишлаб чиқариш билан боғлаш мақсадида ҳамда талабаларга мутахассисликни яхшироқ ва чуқурроқ ўргатиш учун Ўрта Чирчиқ районида 2400 гектар майдонда кўргазмали ўқув-тажриба хўжалиги ташкил этдик. Бу хўжаликда ёшларнинг билимини мустаҳкамлаш учун кўплаб иншоотлар барпо этилди.

Чўлларни гулистонга айлантиришда қишлоқ хўжалиги муҳандисларини етарли етказиб бериш, Мирзачўл ва Қарши чўллари ҳамда Марказий Фарғона даштларини ўзлаштириш мақсадида вилоятларда (Янгиер, Қарши ва Андижон шаҳарларида) филиалларимиз ташкил топди. Ҳозирги кунда эса улар мустақил олий билимгоҳга — илм ўчоғига айланди. Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, айниқса, пахтачиликни комплекс механизациялашда институтнинг роли жуда катта.

Ҳурматли Шароф Рашидов қайси вилоятга, қайси районга ёки хўжаликка бормасинлар, мутахассислар билан суҳбатлашганда «Қайси институтни битиргансиз?», деб савол берар эдилар. Шунда «ТИИИМСХ» деган жавоб бўлса завқланиб кетардилар. Бу аслида бизнинг институтга меҳрларидан деб биламан. Шу сабабли Шароф Рашидов орадан йиллар ўтгач, менга нисбатан яна бир мурувват кўрсатдилар. 1978 йил ёзида ҳузурларига чақириб, республика Олий ва ўрта махсус таълими вазири лавозимига тайинлаш тўғрисида дилдан суҳбатлашдилар. Бундай катта ва юксак ишонч табиийки, мени ўйлантириб қўйди. Аввал-ку битта олийгоҳни тебратиб турган эдим, энди эса бутун олий таълимга мутасаддилик қилишнинг ўзи бўлмас эди-да... Очиғини айтсам, мен бир оддий деҳқон боласи олий ўқув юртида ўқишни ҳавас қилардимку, лекин ҳеч вақт институт ректори ёки вазир бўламан, ҳукумат аъзоси бўламан, деб етти ухлаб тушимга кирмаганди. Бу, ҳам бўлса, республика олий раҳбарининг меҳнатимга берган баҳоси, деб биламан. Халқимизнинг чексиз ҳурмат ва иззатига сазовор бўлган Шароф Рашидовичдан мен бир умр миннатдорлигимни ҳаммага, ҳамма вақт мағрурланиб айтиб юраман. Бу буюк инсон халқ орасидан чиққан, халқнинг ўзи етиштирган азиз фарзанди эди. Унинг катта ишончи дилимда бу кишига бўлган меҳр-муҳаббатимни, иштиёқимни янада мустаҳкамлади. Кучим ва ғайратимни шу ишончни охиригача оқлашга сарфладим. Балки, сал ноқулайдир, одам ўзи ҳақида гапириши унча камтарликдан бўлмас, бу ерда гап Шароф Рашидовнинг халқ ўртасида нақадар улуғлиги, обрў-эътибори тўғрисида эканини айтиб ўтмоқчиман, холос. Демоқчиманки, олдин айтиб ўтганимдек мактабда ректорлик ёки вазирлик тушимга ҳам кирмаган бўлса, иккинчи томондан, Шароф Рашидовнинг халқ ўртасида бениҳоя катта обрўга эгалигидан у кишининг салобати босганидан бўлса керак, ҳар бир раҳбар ходим олган топшириғини бутун қобилияти билан юқори сифатли қилиб бажаришга интиларди. Раҳбар ходим виждонли ва софдил бўлса, у киши қўлларидан келганича ёрдам бериб, эъзозлар эдилар. Аммо талабчанликни ҳам ўрнига қўяр эдилар. Шунинг учун ҳам Шароф Рашидовичнинг ишончига сазовор бўлган раҳбарлар бор кучи билан билими ва тажрибасини шу топширилган участкани у кишига ёқтирган савияда ташкил қилишга бағишлар эди.

Шуниси қизиққи, мен ўзим 31 йилдан ортиқроқ ректорлик ёки вазирлик лавозимларида (1978-85 йилларда) ишлаганимда у кишининг ишончини оқлаш учун бор-йўғи икки маротаба меҳнат отпускасига чиқибман.

Шароф Рашидовнинг раҳбарлик фазилатлари кўп қиррали эди. Саноат, алоқа, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳалари, фан, маданият, таълим-тарбия ва бошқа соҳаларда ўта зукко эдилар. Ҳар бири алоҳида мутолаага арзийди. Мен илм соҳасига яқинроқ бўлганим учун Шароф Рашидовнинг шу соҳага бўлган эътиборлари тўғрисида икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман.

Айниқса, вазирлик лавозимида ишлаганимда у кишининг кўп нарсалар ҳақида ўйлаши, фикр юритиши ва салмоқли хулосалар чиқара билиши ва уларни ҳаётга тадбиқ қилиш иштиёқи юксак даражада эканлиги гувоҳи бўлганман.

Шу муҳим муаммолардан баъзиларига тўхталиб ўтишни зарур деб биламан.

Биринчи масала, республиканинг келажагини ўйлашидан бўлса керак, у киши ҳамма вақт ёшларни жуда ҳам севар эдилар. Уларнинг ўқиши, тарбияси ҳар доим фикру ёдларида турарди. Ўша даврда собиқ иттифоқда ишлаётган олий маълумотли мутахассисларнинг 60 фоизи муҳандис, иқтисодчи ёки агроном, яъни ишлаб чиқариш соҳасида хизмат қиладиган мутахассислар бўлса, қолган 40 фоизи ўқитувчи ва врач, яъни ижтимоий соҳада ишлаётган мутахассислар эди. Ўзбекистонда эса барча мутахассисларнинг 40 фоизи ишлаб чиқариш соҳасида ва 60 фоизи мактаб, мактабгача тарбия муассасаларида, шунингдек, тиббий соҳада хизмат қилишарди. Бу рақамларни кўриб у киши аввал таажубланди, лекин нима учун бундай ҳол рўй бергани сабабини айтиб берганда қойил қолгандим. Шароф Рашидов масаланинг моҳиятига жуда чуқур кириб борарди. Гап шундаки, Ўрта Осиёда демография Европадагидан мутлақо фарқ қилади. Ўзимизнинг бой аньаналаримиз бор. Аҳоли сонининг тез қўпайиши, халқимизнинг болажонлиги ёшлар тарбиясига катта эътибор беришни талаб этади. Шароф Рашидович масаланинг шу томонига, яъни республикамиз талаб-эҳтиёжларига муносиб бўлғуси кадрлар тарбиясига, соғлиғига, ўқишига алоҳида эътибор билан қарашни уқдирган эди.

Ёш авлодни ўқимишли, уқувли қилиб тарбиялаш, уларнинг олий маълумотли мутахассислар бўлиб етишишлари, фан-маданият ва бошқа соҳаларни дадил кўтаришда уларнинг иштирокини таъминлаш учун нималар қилиш зарурлигига Шароф Рашидович жуда катта эътибор берар, таъбир жоиз бўлса бош қотирар эдилар. Янги олий ўқув юртларини очишга ўша даврда марказ қаттиқ оёқ тираб турар эди. Ҳолбуки, ўша пайтда энг йирик олий ўқув юртларидан бири Тошкент политехника институти бошқариб бўлмайдиган бир аҳволга тушиб қолган эди. Шунинг учун ҳам ана шу олий билимгоҳ базасида икки ёки учта мустақил институт ташкил қилиш масаласи бир неча бор марказ олдига қўйилди. Уларни ташкил этишга ортиқча маблағ ҳам талаб қилинмас эди. Бироқ, марказга республикамизда институтлар сонини кўпайтириш ёқмасди. Шунинг учун ҳам улардан рухсат олиш амри-маҳол эди. Нима қилмоқ керак? Ёшларимиз сони тобора ўсиб бораётган бўлса, ҳатто аҳоли сонига нисбатан талабалар собиқ Иттифоқдаги бошқа республикаларга нисбатан ҳам кам бўлса, келажагимиз нима бўлади?

Ана шу вазиятдан чиқиш йўлини Шароф Рашидовнинг доно маслаҳатлари асосида топишга муваффақ бўлдик. У ҳам бўлса институт ўрнига вилоятларнинг марказида Тошкентдаги олий ўқув юртларининг филиалларини очиш эди. Фарқи фақат шунда эдики, улар институт деб аталмай, балки филиаллар деб аталарди. 80-йил бошида вилоятларда 25 тадан ортиқ филиал очилди. Талабалар сони ҳам ошди. Бунинг учун етарли маблағ ҳам топилди. Шуни айтиш керакки, филиаллар унумли иш олиб борди. Бунинг яна бир афзал томони вилоятларда фан, маданият, маърифат ўчоқлари ташкил топди. Иккинчидан эса, ётоқхоналар етишмаслиги муаммоси ҳам ҳал бўлди. Вилоятларга бориб ишлаётган олимлар учун қулай уй-жой шароитлари яратиб берилди, кўплаб коттежлар қурилди.

Ишлар силлиқ бораётган бир вақтда афсуслар бўлсинки, 1986 йилда бир гуруҳ қайта қуриш «ташаббускорлари» олий ўқув юртларининг вилоятлардаги 19 та филиалини ёпиб қўйишга муваффақ бўлишди. Улар кадрлар тайёрлаш сифати пасайиб кетганлигини рўкач қилдилар. Аммо ҳаётнинг ўзи бу хатога тузатиш киритди.

Республикамизда мустақиллик шабадаси эса бошлаганига бир неча ой бўлмасданоқ Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Фарғонига кўра барча вилоятларда университетлар, институтлар ва уларнинг филиаллари ташкил топди. Бир вақтлар йўл қўйилган катта хато тузатилди. Бу — ёшлар тўғрисида катта ғамхўрлик бўлди.

Республикамиз мустақил давлат сифатида жаҳонга танилди. Бизнинг эзгу ниятларимиз рўёбга чиқди. Ҳозиргача республикамизда барча соҳаларда ибратли ишлар қилинди. Бу ишларнинг бошида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов туриб, ўзининг бутун ғайрат-шижоатини мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратаётир. Йилдан-йилга республикамизнинг жаҳон миқёсидаги обрўси ошиб бораётгани яққол кўриниб турибди. Ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришдик. Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги ишлари ҳам диққатга сазовор. Ишончимиз комилки, Ўзбекистон Республикаси кўп вақт ўтмай дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин олади.

Мен фан намояндаси бўлганим учун Президентимизнинг илм-фанни ривожлантириш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Таълим тўғрисида қонун қабул этилиши, шу йилдан бошлаб икки босқичли мутахассислар тайёрлашга ўтилиши, тест усулида йигит ва қизларнинг олий ўқув юртларга қабул этилиши, ўқитувчилар билан контракт усулида шартномалар тузилиши, чет эллардаги олий ўқув юртларига ёшларимизнинг юборилиши, айниқса, талабаларнинг стипендиялари, ўқитувчи ва олий ўқув юртлари ходимларининг ойлик маошлари оширилиши, уларга яратиб берилган турли имтиёзлар — булар ҳаммаси республикамиз келажагини кўзлаб амалга оширилаётган ишлардир.

Шароф Рашидов республикамиз келажагини ўйлаб ёшларнинг таълим-тарбия олишларига қанчалик муҳим эътибор берган бўлсалар, Президентимиз И. А. Каримов ана шу аньанани изчил давом эттирмоқда. Унинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида ёшларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг камол топишига ҳар томонлама кўмаклашиш ғояси устивордир. Унда жуда тўғри таъкидланганидек, кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди.

Шароф Рашидов Ўзбекистон равнақи учун хизмати кўп сингган улуғ зотдир. У республикамизнинг мустақил бўлишини ҳамиша орзу қилар эди. Республикамиз мустақилликка эришганлигидан унинг руҳи шод бўлса ажабмас!

С. ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон халқ депутати, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофоти лауреати, профессор.

ЧИН УСТОЗ ЭДИ

Муаллиф ҳақида

Профессор Салим Пўлатович Пўлатов кўп йиллар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислар институтида кафедра мудири, факультет декани ва ректор бўлиб ишлади. 1978-1985 йилларда Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири бўлди. У Ўзбекистон халқ депутати, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», Беруний номидаги республика давлат мукофоти лауреатидир. 1992 йилда Ўзбекистон халқ академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Профессор С. Пўлатов 1985 йилдан Тошкент автомобиль йўллари институтининг ректори вазифасида ишлаётир.

Спорт

ЯКУНЛОВЧИ УЧРАШУВЛАР

● БУГУН олий лига футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон миллий чемпионатининг якунловчи тур учрашувларидан бири ўтказилади.

Маълумки ҳозир «Нефтчи» 49 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Бу жамоа мавсум охиригача яна бир учрашув ўтказади. Бугун эса фарғоналиклар дам оладилар. Ғолибликка асосий даъвогар ҳисобланган пахтакорчилар эса Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоасини қабул қилишади. «Пахтакор» ҳисобида 47 та очко бор. 46 очко билан учинчи ўринни эгаллаб турган «Сўғдиёна» ҳам дам олади. Шунча очко тўплаган «Нурафшон» футболчилари эса «Наврўз» майдонида куч синашадилар. Миллий чемпионат ғолиби охирги учрашувларда маълум бўладиган кўринади.

АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚАДА

● ЎЗБЕКИСТОНДА спортнинг бокс турини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Сиддней Жаксон хотирасига бағишланган анъанавий мусобақа ўтказилди.

Фарғонада ўтказилган мусобақада Хитой ва Тожикистондан келган боксчилар ҳам иштирок этишди. Хитойлик спортчилар битта кумуш, иккита бронза медали олишган бўлса, тожикистонлик боксчилар битта бронза медали билан қаноатланишди.

Лимира Муртазоеванинг чеварлик қобилиятига ҳамшаҳарлари тан беришган. Дарҳақиқат у Самарқанд шаҳридаги «Гулбаҳор» маиший хизмат уйи тикувчилик цехида буюртмачиларга сидқидилдан хизмат қилиб келяпти.

СУРАТДА: илғор тикувчи Л. Муртазоева.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

ХИТОЙ—ЎЗБЕКИСТОН:

ҲАМКОРЛИК ҲАҚИДА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида телевидение ва радиоэшиттириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон томонидан мазкур ҳужжатни Хитойга расмий ташриф буюрган Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясининг раиси Э. Ҳаитбоев имзолади.

Синхуа агентлигининг маълум қилишича Э. Ҳаитбоевни қабул қилган Хитой мафоий ишлари давлат қўмитасининг раиси Ли Теин Хитой ҳукумати иккала мамлакат телерадиокомпаниялари орасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга тайёрлигини айтган.

(ЎзА).

● *Акс-садо* ●

«АСАКАДА АВТОМОБИЛЬ ТУҒИЛМОҚДА, НОМИНИ СИЗ ҚЎЙИНГ, МУШТАРИЙ!»

● *«Ўзбекистон овози», 1992 йил, 30 июль*

Эсингизда бўлса, шу йил 30 июлда «Ўзбекистон овози» газетасида «Асакада автомобиль туғилмоқда, номини Сиз қўйинг, мушторий!» мақоласи босилганди. Мақола кенг муштарийлар томонидан қувватланди. Газетхонларнинг Ўзбекистон биринчи автомобилига ном қўйиш ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазаларини «Ўзбекистон овози»нинг шу йил 23 август, 17 сентябрь, 6 октябрь сонларида эълон қилинганди.

Қуйида муштарийлардан олинаётган мулоҳазалардан янги туркум босилмоқда. Азиз муштарий, Сизда ҳам янги фикр уйғонган бўлса, марҳамат, мулоҳазаларингизни кутамиз.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ НОМИНИ БЕРСАК

Ўзбекистонда автомобиль заводи қуриш масаласи ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирган эмасди. Оллоҳнинг иродаси билан Ўзбекистон мустақиллик олди-ю, республикага биринчи бўлиб Ислом Каримов Президент этиб сайланди. Бу ҳам Оллоҳнинг иродаси. Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги арафасида Президентимиз Қурияга сафар қилиб, Асакада биргаликда автомобилсозлик заводи барпо этиш ташаббуси ташкилотчиси бўлди.

Шуларни мулоҳаза этсак, Асака автомобиль заводи очилиши И. Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ. Шу мулоҳаза билан мен Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган автомобиллардан бирига «Аскар» деб ном қўйишни таклиф этаман. Шунда Асака ва Каримов аталарининг биринчи бўғинларидан фойдаланиб машинага ном қўйган бўламиз.

Ғанижон СОЛИЕВ,
Ўзбекистон жумҳурияти халқ депутати, Андижон вилояти, Ширмонбулоқ.

«Р-75» АВТОМОБИЛИ КУЧА ЮЗИНИ КУРСА

Асакада келаси йил ишлаб чиқариладиган Ўзбекистон енгил автомобилларидан бир хилига «Р-75» номи берилса-ю, у республикамиз кўчаларида кўзни қамаштириб юрса деб орзу қиламан. Бунда мен ўзбек халқининг ўз асил фарзанди Шароф Рашидов тавалуди 75 йиллигини нишонлаётганига ишора қилмоқчиман. Шунда донишманд, ўзбекни ёмон кунлардан асрашда саломатлигини ҳам аямаган ватандошимиз номи ўзига хос тарзда абадийлашган бўларди, деб умид қиламан.

Ғуломжон МАМАЖОНОВ,
Андижон тумани, Й. Охунбоев номли давлат хўжалиги.

БАЛОЛАРДАН АСРАБ ЮРСИН

Асакада ишлаб чиқариладиган юк машиналаридан бирига «Бунёд», енгил машиналардан бирига эса «Балогардон» номлари берилса. Бундан мақсад — ўз автомобилига эга халқ яратиш, бунёд этишда чарчамасин, мустақиллигимизни бало-қазолардан ҳамиша асраб юрайлик, деган ниятни ифодалаш.

Болтажон СОДИҚОВ,
Ойбек номли Термиз давлат университети доценти.

ТОШКЕНТ НОМИНИ ЖАҲОН БИЛАДИ

Ўзбекистонда тайёрлаб чиқариладиган автомобиллар, ишончим комилки, жаҳон бозорида ҳам сотилади. Унга Ўзбекистон пойтахти «Тошкент» номини берсак, айни муддао бўларди. Ана шунда нон, тинчлик, тотувлик шаҳри Тошкент номи яна бир марта жаҳонга машҳур бўларди. Москвада ишлаб чиқариладиган «Москвич—412», 408 ва бошқа хилдаги машиналар жаҳон незиб юришн бунга мисол эмасми?

Иброҳим АБДИЕВ,
Бухоро шаҳри.

«УЗАСКО» ДЕСАК-ЧИ?

Асака шаҳрида Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси барпо этилаётгани қувончли воқеа. Мен тайёрланажак машиналарга қуйидагича ном қўйиш керак, деб ҳисоблайман: «Узаско» (Ўзбекистон — Асака — Корея).

Баҳодир МУРТОЗОВ,
Қарши шаҳри.

МАШИНА ҲАМ ОТ МИСОЛИ

Ҳа, машина ҳам ҳозир бамисоли от ўрнида ишлатилади. Шундай экан, Асака машиналарига «Ҳирот», «Тулпор», «Бойчибор» каби гўзурли ном қўйсак, деб орзу қиламан. Балки, Асакада чиқариладиган машиналарга «Орзу» деган от қўярмиз.

Шопўлат ИСМОИЛОВ,
Сурхондарё, Музработ тумани.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Мустақиллик шабадаси туфайли қадриятларимиз тикланяпти, ҳамма нарса адолат мезони билан ўлчаняпти.

Республикамиз пойтахтидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтига маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний номи берилгани ҳам бунинг мисолидир.

26 октябрь куни ана шу билим даргоҳига адабиётшунос олимлар ва шаҳар жамоатчилиги вакиллари тўпландилар.

Бу ерда Абдулла Авлоний бюстини очишга бағишланган маросим бўлди. Алломанинг замондошлари, ёр-биродарлари, фарзандлари маърифатимиз жонкуяри ҳақидаги хотираларини сўзлаб бердилар.

СУРАТДА: Абдулла Авлоний бюсти.

В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат. (ЎзА).

ЗАМОН — ИШБИЛАРМОННИКИ

ЎЗИМИЗНИКИ ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Ўзбекистон — Испания «Медиз» акционерлик қўшма корхонаси бир йилда қарийб 100 миллион дона шприц тайёрлаб, мўлжалдаги қувватга чиқиб олди. Ушбу қўшма корхона ўтган йили сентябрь ойининг охирида илк маҳсулотини бера бошлаганди.

— Мана, тақчил маҳсулот — бир марта ишлатиладиган шприцлар тайёрлашни Ўрта Осиёда биринчи бўлиб йўлга қўйдик, — дейди «Медиз» акционерлик корхонаси директори Анвар Толипов. — Ўзингизга маълум, илгари бундай медицина буюмлари асосан Россиядан, қисман эса хориждан келтириларди. Эски иттифоқ тарқаб, хўжалик алоқалари узилгач, медицина жиҳозбуюмларига бўлган талаб янада ошди.

Жумҳурият ҳукумати шуни ҳисобга олиб, Испаниянинг «Фаберсанитас» фирмаси билан ҳамкорликда Тошкентда бир марта ишлатиладиган шприцлар тайёрловчи қўшма корхона очишга қарор қилди. Тез орада фирма вакиллари билан ўзаро шартнома имзоланиб, корхона ишга туширилди.

Дастлабки маҳсулот Тошкентдаги болалар уйига совға қилинди. Кейинчалик бир марта ишлатиладиган шприцлар кетма-кет шифохоналар, тиббиёт муассасаларига жўнатила бошланди. Бир қисм маҳсулот Ҳамдўстлик давлатларидаги истеъмолчиларга ҳам сотилди.

Қўшма корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг ўта сифатлилиги ва жаҳон андозаларига тўлиқ мос келиши эндиликда буюртмачилар сонини янада кўпайтирмоқда. Даврўқе, хориждан ҳам тошкентликлар маҳсулотига иштиёқмандлар топиляпти.

— Илгари фақат Испаниядан келтирилган хом ашё эвазига ишлаётгандик, — дейди игна тайёрлаш бўлими бошлиғи О. Камолов. — Яқиндан бошлаб эса технологияни ўзимиздан, МДҲ давлатларидан оладиган хом ашёга мослаштирдик. Бу жараён маҳсулот сифатига мутлақо таъсир этмасдан бажарилди.

Очиғини айтганда, биз хориж технологиясини қисқа муддатда ўзлаштириб олдик. Испания фирмасининг учта вакили фақат технологик жараённинг у ёки бу даражада тўғри олиб борилаётганини кузатишяпти, холос. Қолган барча ишларни ўзимиз уддалаяпмиз.

Ҳозир бу ерда 2,5 ва 10 граммли шприцлардан ташқари бир граммли шприцлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бундай шприцлар қанд касаллиги билан хасталанган беморларга ва чақалоқларни эмлашга мўлжалланган.

Корхона истиқболи порлоқ. Яқин кунлар ичида Испаниядан «Фаберсанитас» фирмаси раҳбарлари Тошкентга келишади. Ўшанда фирмадан қўшимча технология сотиб олиш масаласи ҳал қилинади. Келаси йили бу замонавий технология ўрнатилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 200 миллион донага етказилади.

А. БОЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ

●

ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1992 йил 5 ноябрь, соат 18.00 да

КАТТА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Концертга севимли хонандалар ва сўз усталари:

Олмахон ҲАЙИТОВА,
Ғуломжон ЁҚУБОВ,
Ортиқ ОТАЖОНОВ,
Аҳмаджон ШУКУРОВ,
Ғиёс БОЙТОЕВ,
Охунжон МАДАЛИЕВ,
Маҳмуджон АЗИМОВ,
Авазбек МАҲМУДОВ,
Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Муҳриддин ХОЛИҚОВ,
Тошпўлат МАТҚАРИМОВ,
Ботир МУҲАММАДХЎЖАЕВ
Обид, Собит АСОМОВЛАР
таклиф этилади.



Хайрия концерти ойнаи жаҳон орқали намойиш этилади.

Хайрия концертига ҳомийлар танланяпти.

Концертга қатнашиб, Шароф Рашидов фондига ҳисса қўшишни истаган ташкилотлар, корхоналар, биржалар, фирмалар ўз таклифлари ҳақида олдиндан хабар беришларини сўраймиз.

Телефонлар: 33-65-45; 33-20-36; 32-54-35.

• ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ЖУДОЛИК АЛАМИ

ҒАЛАТ АКА БИЛАН ХАТИЧА АЯ ЎҒЛИ УБАЙДУЛЛАНИ ЎН УЧ ЙИЛДАН БУЁН ЗОР-ЗОР ЙИҒЛАБ КУТМОҚДА

«Кўзларим Афғонистон йўлларида нигорон! Оҳ болагинам, жонимни қоқмайманми сенга! Ҳар куни минг ўлиб, минг тириламан. Қадди — қоматингни бир кўриб ўлсам бу дунёда армоним қолмасди-я!..».

Она ноласи.

Ўн йилча олдин Хўжаобод район партия қўмитаси биносига кўзларида халқа-халқа ёш, хунибийрон йиғлаб кириб бораётган эрхотинга дуч келганимда уларни яна ўн йилдан кейин ҳам шу мотамсаро аҳволда кўраман, деб ўйламагандим.

Ўшанда район ҳарбий комиссариатидан ноумид чиқиб нажот истаб райком раҳбарлари ҳузурига кираётган экан. Эр қалтираб турган қўлидаги қоғозни кўрсатиб, дуч келган одамга илинарди:

— Наҳотки, ўғлимдан шу қоғозгина нишона қолса?! На жасадига, на кийиб кетган кийимига эга бўлмасам! — дерди у.

Беихтиёр қоғозга узалиб, унда ўрисча ёзилган ушбу аянчли сатрларни ўқиган эдим:

«Н-дала почтаси ҳарбий қисми командирининг 241-буйруғидан кўчирма.

Иккинчи моторлаштирилган ўқчи полкининг БМП командири кичик сержант Ғалатов Убайдулла Ғалатович 1981 йил 3 июлида Афғонистон Демократик Республикасининг Жалолобод шаҳри яқинида Қобул дарёсига чўкиб ўлди. Жасади топилгани йўқ.

1981 йил 28 июлдан бошлаб ҳарбий қисмнинг шахсий состави рўйхатидан ўчирилсин.

Асос: ўлими ҳақидаги гувоҳнома.

Қисм командири подполковник Смирнов.

Қисм штабининг бошлиғи майор Михин».

Тилим танглайимга ёпишиб қолди. Эҳтимол, бошқаларда ҳам шу ҳол рўй бергандир. На таскин бериб бўлади, на бирон бир маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиб бўлади. Аскар бечора ота-онасининг аҳволини кўриб, ич-ичдан изтиробга тушасан. Аввало, улар ўзларини тамомила йўқотган, қолаверса, аҳволидан, кийим-кечагидан кўриниб турибди — оддий деҳқон, деҳқон бўлганда ҳам ҳақ-ҳуқуқини танимаган меҳнаткаш. Барча умидини шу тўнғич ўғлига боғлаб ўтирган, топган-тутганини ўзлари емай, Тошкентда ўқиётган шу ўғлига илинган ота-онанинг ҳозирги аҳволига кимнинг раҳми келмайди, дейсиз?! Бироқ осмон —узоқ, ер—қаттиқ. Афғон деган уруш азиз болаларимизни аждарҳодай ютиб турган пайт. Бундай кезларда ўзбекларнинг бирдан бир юпанч сўзлари «қандоқ қиламиз, юртга келган тўй экан-да» дейишдан ўзга далда топиларимиди?! Садқаи тўй кетсин!

Қисм командирларининг буйруғида ҳам бирон бир далда бўлгудек илиқ гап йўқ. «Ўғлинг Қобил дарёсига чўкиб ўлди!» Қандай қилиб, қанақа шароитда, нима бўлиб чўкди? Ён—верида шериклари бормиди? Ўзи чўмилаётганмиди, ё қисм аскарлари билан биргамиди? Бир аскарнинг фожиали ўлими тўғрисидаги шум хабар шугинами?

Ота-она, қариндош-уруғ шу буйруқ биланоқ тиниб-тинчиб қола оладими? Бир тирик жон шу бир эълик хат билан зим-зиё бўлиб кетаверадими? Бориб суриштирай деса йўл олис, илож йўқ. Суриштирмаса бўлмайди, бола жигардан пайдо бўлади.

Жигарҳунлик кунлари, ойлари, йиллари бошланди. Ғалат аканинг, Хатича аянинг бормаган жойи, сарғаймаган одами қолмади. Район, вилоят, республика ҳарбий комиссариати, партия, совет ташкилотлари остоналари бу икки мотамсаронинг сиғинувчи қадамжосига айланди. Фалон шаҳарда ё фалон қишлоқда афғондан аскар келибди деса ота-она уларни

Она ҳасратидан:

— Болам бағримдан чиқиб кетганига ўн уч йил бўляпти. Фарзанд доғини чекиб-чекиб ўлмадиму, аммо адои-тамом бўлдим. Танимдаги нам кўзларим ёшлари бўлиб оқди, мана кўриб турибсиз, чўп бўлдим. Лекин нолимайман, худодан тилаб, болам омон-эсон келса бас деб ўтирибман.

Она ҳамон умид қилади. Ахир, халқимиздаги «кетган-келади, кетмонланган—келмайди» деган мақол унга далда беради-да. Айниқса, кейинги пайтларда «ўлди» деб хабар келганларнинг баъзилари тирик эканлиги, ҳозирда ё афғон мужоҳидлари қўлида ё Покистонда тутқинликда турганлиги ҳаммага маълум.

Шунинг учун Ғалат ака билан Хатича ая ҳам аввалги йиғи-сиғиларини қўйиб, дилларида умид учқунлари чақнаб, кошки ўғлимиз оллоҳнинг иродаси билан дарёда чўкмай, бирон кор-ҳол бўлиб тирик қолган бўлса деб туришибди.

Бунга уларда, ҳарқалай, озгина бўлса ҳам умидни оқлагудек сабаблар бор. Убайдулла Ғалатов меҳнат» газетасида хабар ва мақолалари мунтазам босилиб турарди. Аскарлик хизмати даврида ҳам жамоат ишларида фаол қатнашиб, хизматдошлари орасида абжирлигини, ишчанлигини намоён қилган.

Ҳарбий қисм командирларининг изоҳлашича, Убайдулла Ғалатов хизмат чоғидаги танаффус маҳалида хоразмлик Салай Эгамов деган аскар йигит билан қисмга жуда яқин жойдан ўтадиган дарёга чўмилгани борган ва тезоқар дарёда оқиб кетган. Шериги — аскар йигит қисмдагиларни ёрдамга чақирган. Бир неча кун дарёдан Убайдулланинг жасадини қидириб, тополмаганлар.

Ғалат ака боласи дарагини суриштириб, оҳ-фиғон қилиб, вилоят ҳарбий комиссариатига борганида эшитган ҳақоратни умр бўйи унутолмаса керак.

Отанинг ҳасрати:

— «Болам ўқ еб ўлганида, жасади келганида куйиб-ёниб, ўртаниб, охири тақдирга тан берардим, наҳотки жасадига ҳам эга бўлолмасам» десам вилоят ҳарбий комиссари ўшқириб, «ҳамма айб ўзингда, болангга яхши тарбия бермагансан! Яхши тарбия берганингда командирдан сўрамай, ўзбошимчалик қилиб чўмилганни бормасди», деди. Боламдан айрилганим бир бўлдию бу ҳақорат бир бўлди. Менинг Убайдуллам ҳам, кейинги болаларим ҳам мўъмин қобил бўлиб ўсишган. Убайдулламдан қорахат келганига қарамай кейинги икки ўғлимни —Раҳматулла, Знёдуллани ҳам қасдлашиб аскарликка олиб кетишди. Худога шукур, иккови ҳам хизматни адо этиб келишди...

Ғалат ака билан Хатича аянинг аҳволидан хабар олай деб, Бобур номли жамоа хўжалигининг Гарағури қишлоғига бордим. Ғалат ака далада ғўза суғориб юрган эканлар. Хатича ая биринчи марта ўн йилча олдин кўрганимдан анча чўкиб қолган бўлса ҳам чеҳрасида андак ёруғлик борлигини сездим. Ҳадемай, Ғалат ака келди. У ҳам бироз дадил кўринди кўзимга.

Умидбахш хабар келгани шундоққина аён бўлиб турибди. Янглишмабман. Кейинги бир-икки йил орасида Убайдулла тирик деган миш-миш тарқалибди. Ота-она Москвага боришибди. У ерда асир тушган аскарлар рўйхатида ўғлининг номи ҳам бор экан. Покистонда эмиш.

Яқинда матбуотда қўшни Булоқбоши қишлоғидан бир йигит Покистонда эканлиги, аммо ҳозирча юртига қайтмоқчи эмаслиги ҳақида хабар эълон қилинди. Шундан кейин Ғалат ака билан Хатича аянинг ороми яна бузилди. «Болам бормикин, тирик бўлса уйга қайтармикин ё булоқбошилик йигитга ўхшаб, ёлғончиларда қолиб кетармикин?» деган ўй—хаёл уларни бесарамжон қилиб турибди.

Бироқ, она она-да, «Майли, болам қаерда бўлса ҳам омон бўлсин. Барибир қачонлардир қайтиб келади, менинг она сутим уни бағримга чақиради» деб, умид чироғини ёқиб ўтирибди.

Ғалат ака ва Хатича аянинг ўн уч йилдан бери тортган азоб-изтиоблари мукофотига, оллоҳ уларнинг азиз фарзандини бағрига қайтарсин, деб тилак изҳор қиламиз.

Рустам РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози»нинг Фарғона водийси бўйича ўз мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ИШНИ ЭПЛАГАН ИЛҒОР БЎЛАДИ

● Ёзда бўлган суҳбатларнинг бирида мутахассислар Узун районидаги «1-Май» жамоа хўжалигида ғўзанинг ривожи дуруст, шу хўжалик бу йил биринчи бўлиб режани бажарса керак, дейишганди.

Уларнинг мўлжали тўғри бўлиб чиқди. Хўжалик давлатга 1500 тонна пахта етказиб бериб, йиллик режани бажарди.

Сурхондарё вилоятидаги Жарқўрғон районининг «Украина» давлат хўжалиги деҳқонлари ҳам режага қўшимча пахта тайёрлай бошладилар.

О. УСАНОВ,

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

Бухоро шаҳар марказий универмагида бежирим мебель жиҳозлари, турли газламалар пайдо бўлди. Бу тақчил маҳсулотларни Россия Федерациясининг Кострома вилояти меҳнат жамоалари жўнатишди.

Шундай қилиб Бухоро ва Кострома шаҳарлари меҳнаткашлари ўртасидаги ҳамкорлик амалий босқичга кирди. Яқинда универмаг вакиллари яна Костромага сафарга ҳозирланишмоқда. Улар ўзлари билан бирга олиб борадиган маҳсулотларни бошқа товарларга айирбошлаш ниятида.

ИЎЛСОЗЛАР МАДРАСАСИ

Ҳозиргача мадраса деганида нуқул диний фанлар ўқитиладиган ўқув юрти кўзда тутилиб келинарди. Бухоролик йўлчилар бу тушунчага ўзгартиш киритишди.

Вилоят йўл қурилиш ташкилотлари бирлашган кенгашининг саъй-ҳаракати билан республикада биринчи йўлчилар мадрасаси очилиши маросими бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон жумҳурияти, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Хоразм вилоятлари йўлчилари таълим олишади.

Мадрасада касбга алоқадор фанлар билан бирга Ўзбекистон тарихи, миллий маданиятимиз, компьютерларда ишлаш ва бошқа фанларни ўқитишга алоҳида эътибор берилади. Ўқитиш жараёнига юқори малакали чет эллик мутахассисларни ҳам жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Мадрасанинг очилиш маросимида Ўзбекистон республикаси йўл қурилиши вазири Р. Р. Юнусов иштирок этди.

Н. НАИМОВ.

ОЛҚИШ ОЛГАН УСТА

● АНДИЖОНЛИК ҳунарманд Абдумалик Мадраҳимов томонидан яратилган «Ғижжак Бобурий» созн 1-сентябрь куни Тошкентда Мустақиллик майдонида садо таратиб, олқишларга сазовор бўлганди.

Бу соз бобурийлар даврида мавжуд бўлган, кейинчалик йўқ бўлиб кетган чолғу асбоби замирида яратилди. Шунинг учун ҳам унга «Ғижжак Бобурий» номи берилди. Шу кунларда Уста Абдумалик қадимдан машҳур бўлган «Дилрабо» созини қайта тиклаш устида иш олиб бормоқда. Бундан ташқари Абдумалик уста томонидан тайёрланган танбур, рубоб, Қашқар рубоби, доира, сурнай каби мусиқа асбобларига чет эллардан ҳам буюртмалар келмоқда.

Комилжон НИШОНОВ.

БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

● **НАМАНГАН вилояти аҳолисининг 43 фоизини болалар ташкил этади.**

Яқинда Наманганда болалар соғлиғини муҳофаза этиш мақсадида хайрли иш қилинди. Шаҳарнинг гўзал даҳасида шаҳар кўп тармоқли болалар шифохонаси фойдаланишга топширилди. Шифохона 230 ўринли бўлиб унда 12 та даволаш бўлими бор. Уч қаватли бинода муолажа ишлари бажарилади. Марказий шифохона махсус лойиҳа асосида барпо этилган. Қурилишга 16,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ.

ЧОРИ ҲАМРОНИ ҚАЧОН ЎҚИЙМИЗ?

«Чори Ҳамро ўз умрини илмга, маърифатга бағишлаган инсонлардан, — деб ёзади таҳририятимизга Қарши шаҳридан С. Чориева. — У Қашқадарё воҳасининг тарихини, ижодкор халқи тараннум этган шеърлар, достонлар, балладалар ёзиб қолдирди. Чори Ҳамро икки асарини ўз қўли билан «Насаф» нашриётига топширган эди. Афсуски, нашриётдагилар сукут сақлашяпти».

Биз С. Чориева мактуби юзасидан вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи Орол Мўминовга мурожаат қилдик.

— Дарҳақиқат, Чори Ҳамро Қашқадарё ва Сурхондарё халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаб, ўз вақтида республика рўзномаларида чоп эттирган ажойиб ижодкор эди, — деди О. Мўминов. — У ҳам мустабид тузумнинг азоб-уқубатларини чеккан, Улуғ Ватан урушида қатнашган, кўп йил муаллим бўлиб ишлаган, Қарши район «Пахтакор» газетига муҳаррирлик қилган бўлса-да, ўзбек фольклоршунослигининг билимдони сифатида умрининг охиригача халқ оғзаки ижоди билан астойдил шуғулланиб келганди.

Унинг «Қашқадарё халқ қўшиқлари» тўплами «Насаф» нашриёти таҳририятига чиндан ҳам ўз қўли билан топширилган эди. Афсуски, маблағ етишмаслиги, қоғоз тақчиллиги сабабли бироз ушланиб қолди. Лекин бошқарма маъмуриятининг топшириғига биноан тўплам босмахонага туширилди. Китоб яқин кунларда ўн минг нусхада чоп этилади. Тўпламда меҳнат, муҳаббат, аҳлоқ-одобга доир юздан зиёд қўшиқлар ўрин олган.

Шунингдек, қўлимизда Чори Ҳамронинг Қашқадарё халқ оғзаки ижодкорлари, хусусан китоблик Абдулла шоир, деҳқонободлик Умир шоир Сафар ўғли ҳақидаги мақолалари ҳамда «Тоҳир ва Зуҳра», «Ёри ва Зебо» достонларининг Қашқадарё вариантлари бор. Чори Ҳамронинг бу асарларини келгуси йилда чоп этмоқчимиз.

Марҳум фольклорчининг ижодхонасида ҳали газет юзини кўрмаган, ўқувчи қўлига тегмаган, бироқ китобхон севиб ўқийдиган халқ ижодидан намуналар бор. Қолаверса, Чори Ҳамронинг ижодий фаолияти ҳам ўрганишга арзигулик мавзу. Буни халқимизга кенг таништириш ниятидамиз.

Вилоят матбуот бошқармаси бошлиғининг таъкидлашича, унинг дастлабки асарлари 1956 йили «Пахтаой» ва «Ёр-ёр» сарлавҳалари билан чоп этилган экан. Қаранг, энди ўттиз олти йилдан кейин Чори Ҳамронинг асарлари китобхон қўлига тегадиган бўлди.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● «УМР НУРЛАРИ» (ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР).

● ОМОН МАТЖОН ИЖОДХОНАСИДА

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.

● «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

●

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Ижтимоий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш—33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70

Навбатчи муҳаррир: Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди— 21.00. Г—394. № 213. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.